



### **Совет тузумининг миллий рахбар ходимларга нисбатан катагонлик сиёсати (20-30 йй.)**

1918 йил апрел ойида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Большевикларнинг мажбуран ён бериши билан хокимият органларида махаллий аҳоли вакиллари иштирок кила бошладилар. 1919 йил сентябр ойида махаллий аҳолининг Советларга жалб қилинишига халакит берувчи, совет хокимиятининг ўлкадаги таянчи факат рус ишчилари деб ҳисоблайдиган, махаллий аҳолига ишончсизлик билан қаровчи Туркистоннинг бир қатор рахбарларига нисбатан қоралар қўрилди. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, ўлкада мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда Марказ ташкил қилган Турккомиссия ва РКП (б) МК Туркбюроси, кейинроқ унинг ўрнига ВКП (б) МК нинг Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлар қатта хизмат қўрсатдилар.

Туркистондаги рахбар ходимлар, хусусан Турор Рискулов (Туркистон МИК раиси) бошчилигидаги миллий коммунистлар, Туркистон мустақиллиги ва унинг ўз тақдирини ўзи белгилашдек демократик тамойиллар учун қураш бошладилар. 1920 йилда ТКП Муслмон бюросининг III-конференцияси ва ТКП нинг V-ўлка конференциясида Т. Рискуловнинг турк халқлари коммунистик партияси тузиш ва Туркистон Республикасини Турк республикаси деб аташ ҳақидаги гоялари қўриб чиқилди ва маъқулланди. Бирок бу гояларнинг асл мақсади Туркистон мустақиллиги бўлганлиги боис, Марказ Т. Рискулов ва унинг тарафдорларининг фикрларига қарши чиқди. Ўз навбатида Марказнинг Туркистондаги ҳукмронлигининг таянчи Турккомиссия бу ҳаракатни рад этди ва миллат фидойиларини қувгинга учратди.

Т. Рискулов ўлкада улуг давлатчилик шовинизми, буржуа миллатчилиги юзага келаятганлиги тўғрисидаги масалаларни қўтариб чиқдилар. Ф. Хўжаев партия ичидаги тоқат қилиб бўлмас ҳолатларни қўрсатиб ўтди. Ушбу ватанпарварларнинг чиқишлари, кейинчалик уларни жисмоний йўқ қилишда айблов учун асос бўлди.

Туркистоннинг социал — иқтисодий ривожланиши борасида билдирилган муқобил фикр муаллифлари миллатчиликда айбландилар. Айни шу давларда Ўзбекистоннинг илгор, хурфикрли фарзандлари «иноғомовчилик», «18 лар гуруҳи», «қосимов-чилик» каби гуруҳбозликда ва давлатга қарши — миллатчиликда айланиб қатагон қилиндилар. 20-йилларнинг охирига қелиб республикада мустабид тузум ўзини тўлик намоён этди.

Сиёсий катагонликлар авж олди.

1929 йилда машхур жадидчи, маърифатпарвар Мунавваркори Абрурашидхонов бошлик «Миллий истиклол» ташкилоти аъзоларини камокка олиш бошланди. Бу ташкилотнинг камокка олинган 85 аъзосидан 15 таси отилди, колганлари ахлоқ тузатиш лагерларига жўнатилди. «Миллий иттиход» ташкилотининг аъзолари ҳам катагон килиндилар.

Машхур жамоат арбоблари Маннон Абдуллаев (Рамзи), Носир Саидов, Махмуд Мирходиев, Хосел Василлов, Собир Кодиров ва бошқалар ўлим жазосига ҳукм килиндилар, сўнгра бу ҳукм узок муддатли камок жазосига алмаштирилди.

1930 йилда Давлат Банки маъмуриятида ўтказилган тозалаш вақтида катор раҳбар ходимлар камокка олиндилар. Ўзбекистон ССР Суди раиси Саъдулла Косимовнинг «косимовчилик» деб номланган ишини кўриб чиқиш бошланди. Бу жараёнларнинг моҳияти кўзга кўринган сиёсий арбобларни тугатишга қаратилган эди.

30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик сиёсий катагонликнинг чўккиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ килинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми камок лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафакат диний русумлар адо этадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг кўп асрлик меросини сакловчиси бўлган мачит ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди.

Бутун республиканинг ҳаёти Марказнинг каттик назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекиниш аксилинкилобий, сиёсий муҳолифат деб баҳоланди.

1937 йилдан «антисовет», «халқ душманлари»ни кидириб топиш ва жазолаш кенг тус олди. Хусусан, сиёсий бошқарув органларининг (ОГПУ) фаолияти асосан ана шундай «тамга» олган шахсларни кидириш ва текшириш билан боғлиқ бўлди. Масалан, Ф.

Хўжаев, А. Икромов, Д. Манжара, А. Каримов каби партия ва давлат раҳбарлари ҳибсга олиндилар ва отиб ташландилар.

Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг «учликлари» олиб борган фаолияти оқибатида 1939-1953 йиллар мобайнида 61799 киши камокка олинган, улардан 56112 нафари турли йилларга камок жазосига, колганлари отишга ҳукм килинган. Кейинроқ уларнинг кўпчилиги оқланди, минг афсуслар бўлсинки, уларнинг аксарияти бу адолатга ўлиmidан сўнг сазовор бўлдилар.

## **1930-50-йилларда зиёлиларнинг таъкиб килиниши**

Миллий адабиёт ва санъатнинг аҳоли кийин ва номутаносиб ҳолатда эди. Шахсга сизинининг рутубатли иклимига қарамай ижодий ҳаёт сўнмади, ёзувчилар ва адабиётшунослар қатори кенгайди. 1934 йил мартда Тошкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди бўлди ва унда Республика Ёзувчилар уюмаси ташкил килинди. Ўзбек ёзувчиларининг номлари жаҳонга кенг ёйила бошлади. ўафур ўулум, Ойбек, ўайратий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаххор, Ойдин Собирова, Усмон Носир, Комил Яшин ва бошқаларнинг асарларида халқнинг ижтимоий ҳаёти ва анъаналари, меҳнат

кахрамонлари, шижоати каби хусусиятлар ўз бадиий ифодасини топган.

Лекин 30-йилларда кучайган маъмурий буйрукбозлик тизими ва шахсга сизиниш мафкуриси ижод ахлини, колаверса республиканинг маданий ҳаётини бўга бошлади. Ижодни партиявийлик ва ягона мафкурага бўйсундирилиши ҳаётни бадиий тасвирида вулгар-социал кўринишларга кенг йўл очди. Партия томонидан янги ҳаётни куйлашга бўлган чакирик ва мажбурий чеклашлар ижодий жараёнда тарихий ўтмишни бир томонлама тасвирлашга олиб келди.

Адабиётда борликни, мураккаб ижтимоий муаммоларни бўяб кўрсатиш, хато ва камчиликлар ҳақида сукут саклаш зарурий шарт бўлиб келди.

Миллий маданият 30-йилларда каттик фожиага учради. Инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол қилиниши кучайди. Абдулла Кодирӣ, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Боту, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Косим Сорокин каби миллатнинг етук зиёлилари катагон қилинди ва халқимиз уларнинг асарларини ўқишдан узок вақт маҳрум бўлди.

40-йиллар охирида фан ва маданият ходимларини катагон қилишлар давом этди. ВКП (б) МКнинг 1946 йил «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги қарорлари катагонлар янги тўлқинининг гоъвий асоси бўлиб хизмат қилди. Шу пайтдан бошлаб адабиёт ва санъатда ижодий демократик ривожланиш узок йиллар давомида сунъий таъкиб қилинди, жойларда хурфикрлик сикувга олинди.

Марказнинг кўрсатмаларига асосланиб, республиканинг партия органлари ижодий зиёлиларга қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг асарларидаги миллий гоълар уларни айблаш учун фойдаланилди. Ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ўрта аср ва инқилобгача бўлган даврдаги халқ тарихини, маданиятини бадиий тасвирлаш-ўтмишни кўмсаш, идеаллаштириш деб айбланди ва уларга «миллатчи» деган тамгалар ёпиштирилди. Шу қабилда Ойбек, Абдулла Каххор, Миртемир, Шайхзода ва бошқа ўзбек ёзувчилари қораланди.

1951 йил августда республика матбуотида «қатор шоир ва ёзувчиларнинг ижодида мафкуравий оғишлар» мавзусида мақола чоп этилди. Унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, Собир Абдулла, Хабибий каби ижодкорлар миллатчиликда ва пантуркчиликда айбланиб, танқид қилиндилар. Шунингдек, Ойбек, Х. Зарифов, Х. Ёқубов, Саид Аҳмад, И. Султонов ва бошқалар «ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда туриш»да ва «жиддий гоъвий ҳатоликлар»га йўл қўйганликда айбландилар.

1951 йилда Максуд Шайхзода, Шукрулло Юсупов, ўулом Алимов ва бошқа бир қатор ижодкорлар «антисовет миллатчилик фаолияти» да айбланиб қамолқа олиндилар ва 25 йиллик қамол жазосига ҳуқм қилиндилар. Шу йиллари жамиятшунос олимлардан бир гуруҳи, қунончи, файласуф В. Зоҳидов, иқтисодчи А. Аминовлар пантуркизмни ташвиқот қилишда ва буржуа-миллатчиликда айбланиб, таъкиб қилинди.

Қатагон қилинган санъат, фан ва маданият арболари мустабид тузум даврида ҳақ-ҳуқуқсизлик қурбони бўлдилар.

Адолат бир қадар қарор топиб, шахсга сизиниш ва унинг оқибатларини тузатиш учун олиб борилган курашлардан кейин асоссиз қатагон қилинган маданият ва фан арболари оқландилар.

## Қатагонликнинг янги тўлқинлари

80-йилларнинг ўрталарига келиб катагонлик ва конундан чекинишлар яна бўй кўрсата бошлади. Галдаги катагонлик тўлкинига нафакат ижод ахли, балки хўжалик ходимлари ва давлат арбоблари ҳам тортилди.

Ўзбекистоннинг миллий зиёлилари ҳеч қачон, хаттоки мустабид тузумнинг «гуллаб-яшнаган» даврида ҳам ўзбек халқининг миллий мустақиллиги гояларидан воз кечмадилар. Очик кураш имкони бўлмаганда ҳам миллий мустақилликни қўлга киритиш учун зимдан кураш олиб бордилар.

Ўзбекистонда конунчилик ва ҳуқуқий тартибларни тиклаш, партия давлат органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш деган никоблар билан Марказдан катта ваколатга эга бўлган масъул ходимларнинг «десант» гуруҳлари кела бошлади. Уларга партия, совет ва суд органларидан муҳим аҳамиятга эга бўлган лавозимлар берилди. Уйдирма, тўқиб чиқарилган «пахта иши» ва «ўзбеклар иши» деб ишларга сиёсий тус берилди. Оқибатда гўёки бутун Ўзбекистон жиноятчилар маконига айланиб қолгандек тасаввур уйғотишга ҳаракат қилинди. Иттифокнинг Гдлян ва Иванов бошлик эмиссарлар гуруҳи республикадаги турли соҳаларда ишлаётган бир неча минглаб раҳбар ходимларни тергов жараёнига тортидилар.

Уларга порахўрлик, кўзбўямачилик ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидаги айбномалар кўйилди. Махбусларни «ўз айбига иқдор қилиш» учун жисмоний зўравонликлар, рухий азоблар қўлланилди. Ўзбекистон Компартияси МК нинг собик биринчи котиби Ш.Р. Рашидов номига ҳам ноҳақ тухматлар қилинди, ўзбек халқининг миллий гурури топталди. Бунда Ўзбекистон ССРнинг ўша даврдаги кўғирчоқ раҳбарларининг машъум ҳиссаси бўлди.

Оммавий камокка олишлар авж олди, қийноқларга кўплаб ҳалол, соф виждонли кишилар ҳам тортилди. Кўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ва порахўрлик каби иллатлар социалистик жамиятда табиий ҳолат бўлиб, ўша пайтдаги барча республикаларда мавжуд ходиса эди. Ўзбекистонга нисбатан «пахта иши» олдиндан, махсус тайёрланган узокни мўлжаллаб ташкил қилинган сиёсий фитнадан бошқа ҳеч нарса эмасди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг «пахта иши» қайта кўриб чиқилди ва минглаб бегуноҳ кишилар оқландилар. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг моҳир, таниқли давлат ва жамоат арбоби Ш.Р. Рашидовнинг пок номи тикланди. Шунингдек, меҳнатқаш ўзбек халқининг юзи ёруғ эканлиги асосланди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан 2000 йил 12 майда Тошкент шаҳрида Юнусобод мавзесида мустабид совет режими даврида катагон қилинган шахидлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик мажмуининг очилиши бугунги миннатдор авлоднинг аждодларимиз олдидаги чуқур эҳтироми рамзидир.